

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.27.06.2017.Yu.23.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЛАТИПОВ БЕГЗОД ИСПАНДИЁРОВИЧ

**ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01–Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Латипов Бегзод Испандиёрович

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш.....3

Латипов Бегзод Испандиёрович

Совершенствование взаимодействия правоохранительных органов и институтов гражданского общества.....

Latipov Begzod Ispandiyorovich

Development of interactive cooperation between law enforcement authorities and civil society institutions.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.27.06.2017.Yu.23.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЛАТИПОВ БЕГЗОД ИСПАНДИЁРОВИЧ

**ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01–Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В20.17.3.PhD|yu102 Рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([http:// www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash](http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash))ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида(www.ziynet.uz)жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Одилқориев Хожимурод Тухтамуродович**

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич**

юридик фанлар доктори, доцент.

Рахимов Аюдуманноп Қўзиевич

юридик фанлар номзоди.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Миллий

гвардияси Ҳарбий-техник институти.

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019йил«___»_____соат___:___даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.:(99871) 232-60-80; факс: e-mail:info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.:(99871)232-61-25.

Диссертация автореферати 2019 йил«___»_____да тарқатилди.

(2019йил«___»_____даги ___рақамли реестр баённомаси).

О.Т.ХУСАНОВ

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,ю.ф.д., профессор

Д.А.КАРИМОВ

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, ю.ф.н.

И.Т.Тулъетеев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ю.ф.д., доцент

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Ҳозирги дунё тараққиётида инсон ҳуқуқларини муҳофазаловчи давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ривожланиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу борада тегишли институциявий инфратузилмаларни шакллантириш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш демократик давлатлар учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёт ва молия соҳасидаги умумбашарий инқирозлар тўлқинида давлат ва жамият тузилмалари ҳамкорлигининг давлат-хусусий шериклиги шакли устувор ўринга чиқмоқда. Глобаллашув жараёнлари авж олаётган вазиятда жамиятда барқарорлик, ижтимоий ҳамжихатлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, социал низоларнинг олдини олиш механизмларини яратиш энг долзарб вазифага айланди.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий ҳамкорлик йўли билан жамиятда умумий ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, социал ва конституциявий тузумларнинг барқарорлигига эришиш, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлигини кафолатлаш соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аҳоли билан ҳамкорликда жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, низоли ва зиддиятли вазиятларни юмшатиш борасидаги фаолияти эътиборга лойиқ. Улар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, илғор иш усулларини жорий этиш, мазкур йўналишларда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланишга оид тадқиқотлар жиддий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг ўтган даврида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий кескинликларни юмшатиш, фуқароларнинг хавфсизлиги ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг касбий фаолияти, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги муайян даражада ривож топди. «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз»¹. Ушбу вазифани бажариш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг самарали тизими, шакл ва воситаларини ривожлантириш борасида тизимли ислоҳотларни амалга ошириш, мақсадли чоралар кўриш ва зарур ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида» (2014), «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлигини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., 2017. –Б.11.

очиклиги тўғрисида» (2014), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари М.Ахмедшаева, Ҳ.Бобоев, Ш.Жалилов, Н.Жавлиев, З.Исломов, Г.Маликова, Х.Маматов, М.Нажимов, Х.Одилқориев, А.Саидов, И.Тультеев, М.Файзиев, О.Хусанов, Ш.Якубовлар томонидан назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларига оид фикрларни С.Алексеев, А.Васильев, С.Грачев, С.Добранский, В.Лазарев, М.Марченко, Н.Матузов, С.Мороз, В.Нерсисянц каби Россиялик ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарларида ҳам учратиш мумкин.

Бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари Дж.Гальбrait, Ж.Ливели, К.Маннгейм, Дж.Придхам, Г.Спенсер, Э.Тоффлер, А.Токвиль, А.Уор, С.Хантингтон, Д.Хелд, А.Этзионилар ҳам мазкур мавзу юзасидан ўзларининг бир қатор ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий фикрларни билдирганлар².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

²Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари, давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» илмий доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлиги ва шериклигининг назарий асосларини илмий таҳлил этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлиги мазмунини таҳлил қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг асосий принципларини очиқ бериш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш йўллари излаш ва илмий асослаш;

оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ижтимоий ва ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг механизмини такомиллаштиришга оид илмий қарашлар ҳамда назарий ёндашувларни акс эттирган адабиётлар, ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот давомида ижтимоий фанлар учун умумий бўлган тизимли-структурали ёндашув, тарихий, мантиқий, социологик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судлар оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесслар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши судлов фаолиятида ошкораликни

кенгайтиришга асосланган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик назорати субъектларига ўз фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ахборотни тақдим этиши ҳамда жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиш шартлиги асослаб берилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги, унда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги принципларини қонун ҳужжатларида белгилаш фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга асосланган.

фуқаролик жамияти институтлари-одамларнинг фуқаролик жамиятига хос ижтимоий муносабатларини шакллантириш, шундай жамият манфаатларига хизмат қилувчи қадриятлар, қоидалар ва ҳуқ-атвор нормалари асосида меъёрланган дунёқараш, онг, маданият, маънавий-ахлоқий вазиятни қарор топтириш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш, жамиятни демократик тарзда ташкиллаштириш функцияларини бажаришга йўналтирилган мустақил ижтимоий уюшмалар йиғиндиси сифатидаги таъриф билан такомиллаштирилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сифатида мамлакатда қонун устуворлигини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, тезкор-қидирув, маъмурий ва жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширувчи ҳамда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи, зарур ҳолларда давлат мажбурлови чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органлари тушунилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқ этилаётган соҳада ижтимоий ҳамкорлик ва шерикликни амалда самарали таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик кенгашларини тузиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонун ҳужжатлари қабул қилиниши лозимлиги асослантирилган;

хорижий мамлакатларнинг мавзуга оид тажрибасини тадқиқ этиш асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг самарали институтларини миллий амалиёт ва қонунчиликка имплементация қилишга оид таклифлар шакллантирилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш борасида қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва тўлдиришлар киритиш зарурати асослантирилган;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлигининг моҳияти ҳамда мазмуни очиб берилган; шу соҳадаги ижтимоий ҳамкорлик тушунчасининг муаллифлик таърифи илгари сурилган;

Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасини бу фаолиятнинг яна қуйидаги принциплари билан тўлдириш таклиф этилган: ижтимоий шериклик томонлари вакилларининг ваколатлилиги; томонлар мажбуриятларининг реаллиги; танловнинг эркинлиги; жамоавий шартномаларни бажаришнинг мажбурийлиги; ўзаро назорат ва жамоатчилик назоратининг уйғунлиги.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга қуйидаги янги нормани киритиш таклиф қилинган: «Прокуратура органлари ўз вазифаларининг асосий йўналишлари бўйича фаолиятини амалга ошириш жараёнида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бир вақтда, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиб, улар билан ҳамкорликда тегишли имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳаракатланадилар».

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар ҳамда қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинган, уларга тадқиқот ишида ҳаволалар қилинган. Диссертация ишида ҳуқуқий-сиёсий фанларда мавжуд бўлган назарий қарашлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари, айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ҳамда уларнинг тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида илмий-назарий хулосалар ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар тақдим этилган. Шунингдек, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётга жорий қилинганлиги ва бу ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини намоён этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришда, хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Маъмурий ҳуқуқ», «Жиноят ҳуқуқи» ва бошқа фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳамда илмий тушунчалар ва таърифлар беришга асос бўлади.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур диссертацияда баён этилган асосий тушунчалар, принциплар, чиқарилган хулосалар ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда, шунингдек, олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда ўқув машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш

мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш борасида ўтказилган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

судлов фаолиятидаги ошкораликни кучайтиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 18.04.2018 йилдаги №ЎРҚ-476-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 04.05.2018 йилдаги 06/1-05/711-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш судлар фаолиятининг ошкоралигини таъминлашга, улар томонидан инсон ҳуқуқларини кафолатлаш борасида турли фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

жамоатчилик назорати субъектлари фаолиятининг кафолатларини кучайтиришга оид таклифлардан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 04.05.2018 йилдаги 06/1-05/711-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар давлат органлари томонидан жамоатчилик назорати субъектларига ўз фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ахборотни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини, жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва тавсияларини, шунингдек яқуний ҳужжатлар ва материалларни мажбурий кўриб чиқилишини таъминлаган;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш оммавийлиги ва очиқлиги, унда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги принципларини жорий қилишга оид таклифлардан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 04.05.2018 йилдаги 06/1-05/711-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар жамоатчилик назорати субъектларининг ўз фаолиятини мустақил ва холис амалга ошириш кафолатларини кучайтирган;

фуқаролик жамияти институтларига турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалашга йўналтирилган мустақил ижтимоий уюшмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи давлат органлари сифатида қарашлар «Фуқаролик жамияти институтлари» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2019 йил 04 июнь 02/934-сон маълумотномаси). Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзусига оид 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 3 та илмий мақола тўпламда, 4 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг рўйхатидан ўтган журналларда, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, ўн та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги ҳамда зарурати асослантирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети ёритилган, шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг назарий-хуқуқий талқини»** деб номланган биринчи бобда мамлакатимиз ҳамда хорижий олимлар томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларига нисбатан берилган тушунчалар, турли хил ёндашувлар ўрганилган. Шунингдек, миллий қонунчиликда ушбу ҳар икки институтга нисбатан берилган хуқуқий тушунчалар таҳлил этилган.

Бундан ташқари, олимлар томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари қаторига қандай идоралар киритилиши ва киритилмаслиги ҳақидаги қарашлар ўрганилиб, бу тушунчаларга муаллифлик таърифлари берилиб, ушбу қарашларга нисбатан муносабат билдирилган. Ушбу тарифлар қуйидагилардан иборат:

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари деганда мамлакатда қонун устуворлигини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, фуқароларнинг хуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бузилган хуқуқларни тиклаш, хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, тезкор – қидирув, маъмурий ва жиноят – процессуал фаолиятни амалга оширувчи ҳамда аҳолига хуқуқий ёрдам кўрсатувчи, зарур ҳолларда давлат мажбурлови чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органлари тушунилади.

Фуқаролик жамияти институтлари – одамларнинг фуқаролик жамиятига хос ижтимоий муносабатларини шакллантириш, шундай жамият манфаатларига хизмат қилувчи кадриятлар, қоидалар ва хулқ-атвор нормалари асосида меъёрланган дунёқараш, онг, маданият, маънавий – ахлоқий вазиятни қарор топтириш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш, жамиятни демократик тарзда ташкиллаштириш функцияларини бажаришга йўналтирилган мустақил ижтимоий уюшмалар йиғиндиси.

Шунингдек, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг мазмуни ва асосий принципларига тўхтаб ўтилган. Мазкур ҳамкорликнинг самарали амалга оширилиши учун албатта, раҳбарий ғоялар ҳисобланган принципларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳамкорликнинг икки субъектлари фаолиятини тартибга солувчи тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу фаолиятни тартибга солувчи муҳим қонунлардан ҳисобланган

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида ҳам давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий принциплари белгиланган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг принципларини таҳлил этиш натижасида, муаллиф томонидан икки томон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи бир қатор янги принциплар илгари сурилган. Хусусан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш оммавийлиги ва очиқлиги, унда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги принципларини жорий қилиш жамоатчилик назорати субъектлари фаолиятининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга хизмат қилиши асослаб берилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қуйидаги ижобий ишлар амалга оширилган.

Биринчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, у асосида қабул қилинган 15 га яқин қонун ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид махсус нормалар мавжуд.

Иккинчидан, жамият тараққиёти, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини юксалиб боришини ҳисобга олган ҳолда ушбу нормалар тизимли равишда такомиллаштириб борилмоқда. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Учинчидан, мамлакатимизда айнан мазкур йўналишда қабул қилинган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ва ишончли ҳимоя қилишга, юртимизда тинчлик-осойишталик ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Диссертациянинг «**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг асослари**» деб номланган иккинчи бобида эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчилигини ташкил этувчи қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Ўз навбатида, мазкур органлар ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқий асослари бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва соҳага алоқадор бўлган бошқа қонунлар таҳлил этилган. Шу ерда, ушбу қонунларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг механизми, қонуний кафолатлари, тартиби ва бошқа жиҳатлари ёритилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишда бу фаолиятнинг турли омиллари ва жиҳатларини, яъни ташкилий-ҳуқуқий, социал-иқтисодий, моддий, сиёсий, маънавий-маърифий, шахсий-ахлоқий ва бошқа барча омилларини комплекс фойдаланиш ҳамда сафарбар этиш бундай ҳамкорликдан кутилган ижобий натижани бериши мумкин.

Шу жумладан, жамиятда сўз эркилигини таъминлашга хизмат қилувчи институт ҳисобланган оммавий ахборот воситалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлиги хусусиятларига ҳам тўхтаб ўтилган. Жумладан, ОАВ тизимига кирувчи журналистлар ҳамда бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини кафолатловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва соҳага оид кўплаб қонунлар қабул қилинганлиги эътироф этилган. ОАВ билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий жиҳатларига эътибор қаратилиб, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Масъулиятли ва ташаббусли жамоат бирлашмалари тизими мамлакатда фуқаролик жамияти қарор топишининг муҳим институционал асоси, ижтимоий омили ҳисобланади. Жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ихтиёрий иродаси асосида ташкил топадиган, давлатдан мустақил бўлган, аҳолининг турли манфаатларини қондириш йўлида фаолият юритадиган, айтини вақтда, давлат органларига таъсир ўткази оладиган, улар билан ўзаро ҳамкорлик асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сафарбар этилган тузилмалардир. Фуқаролик жамиятининг мазкур институти давлат ва бошқа органларнинг ижтимоий соҳага, хусусан инсонларнинг шахсий ҳаётига асоссиз (ноқонуний) аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилгандир. Шу ўринда, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асослари батафсил таҳлил этилган. Шунингдек, бу икки субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларга тўхтаб ўтилган ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда ўтган даврларда давлат органларининг кўплаб ваколатлари ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам ўрганилган. Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллалар фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини, бошланғич таркибий тузилмаси ҳисобланади. Шу сабабли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ўрганилган ҳамда тегишли таклиф ва мулоҳазалар кўрсатилган.

Тадқиқотнинг «**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижтимоий шериклик тизимидаги ўрни ва аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам ўрганилган. Жумладан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар,

маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштиришнинг ижобий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан олиб бориладиган ҳамкорлик масалалари ҳам тадқиқ қилинган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳам ўрганилган бўлиб, бу ерда иккита институтнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳолати ва уларни келажақда ривожланиш жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтилган. Айниқса, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, ҳамкорликнинг инновацион шакллари жорий қилиш масалаларига эътибор кучайтирилган.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклигини ривожлантириш жараёнида хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш ниҳоятда муҳим ва фойдалидир. Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш давомида миллий менталитет, урф-одатлар, тарбия ва маданият нуқтаи назаридан баҳолашга ҳаракат қилиб, шу кунга қадар эришилган ижобий тажриба ҳамда ютуқларни амалиётга жорий этиш жиҳатларига эътибор берилган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Сўнги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу ҳужжатда жамоатчилик бошқаруви тизимини инновацион шакллари жорий этиш асосида такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Хусусан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш; уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш; маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони айнан юқоридаги вазифаларни бажариш механизмларини яратишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбарининг жамият ва давлат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган ушбу дастурий ҳужжатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол ҳаракатланишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Хусусан: биринчидан, ҳозирги вазиятда

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва конструктив ҳамкорлиги (мулоқоти)нинг механизлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эҳтиёжлари эътибордан четда қолмоқда;

иккинчидан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш даражаси паст;

учинчидан, етарли қонунчилик базаси мавжудлигига қарамасдан, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

тўртинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликда бюрократик тўсиқлар мавжуд, бу нормалар эскириб қолгандир;

бешинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган ҳамкорлик усуллари самара бермаяпти;

олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қатор чоралар белгиланди. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши таркиби ва Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари тасдиқланганлиги эътиборга сазовордир. Булар қаторида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш; фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш; фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш ва бошқа муҳим чора-тадбирлар мавжуд.

Мазкур диссертация ишининг хулоса қисмида тадқиқот давоимда эришилган илмий натижалар, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган назарий хулосалар, ҳамкорликнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тизимлаштирилган ҳолатда берилган ҳамда уларнинг бир қисми амалиётга жорий қилинган.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини ўрнатиш, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлигини ташкил этишнинг ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шу долзарб муаммога бағишлаб тадқиқот ишимиз натижасида куйидаги хулосаларга келинди.

I. Ҳуқуқшуносликнинг методологик, илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш йўналишида:

1. Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган шароитда давлат органларини, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни бундай жамият талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш, улар фаолиятининг мазмунини инсон ҳуқуқларини таъминлаш манфаатларига мувофиқлаштириш, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш давр талаби эканлиги илмий асослантирилди. Шундан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзаро ҳамкорлигининг назарий жиҳатлари комплекс тадқиқ этилди. Бунда юқоридаги ижтимоий ҳамкорлик институтининг моҳияти, мазмуни ва ҳуқуқий жиҳатлари илмий таҳлил қилинди.

2. Назарий манбалар, тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва амалиётнинг таҳлили асосида «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ва «фуқаролик жамияти институтлари» категорияларининг куйидаги муаллифлик таърифлари берилди: «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар деганда мамлакатда қонун устуворлигини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, тезкор-қидирув, маъмурий ва жиноят процессуал фаолиятни амалга оширувчи ҳамда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи, зарур ҳолларда давлат мажбурлови чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органлари тушунилади.

«Фуқаролик жамияти институтлари – одамларнинг фуқаролик жамиятига хос ижтимоий муносабатларини шакллантириш, шундай жамият манфаатларига хизмат қилувчи кадриятлар, қоидалар ва ҳуқ-атвор нормалари асосида меъёрланган дунёқараш, онг, маданият, маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш, жамиятни демократик тарзда ташкиллаштириш функцияларини бажаришга йўналтирилган мустақил ижтимоий уюшмалар йиғиндисиدير.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг моҳияти шундаки, улар ўз олдида кўйилган мақсадга эришиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўз

зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда, муҳим иқтисодий-ижтимоий масалаларга оид давлат ва маҳаллий дастурлари ижросини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

4. Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга эришилди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид ҳуқуқий ҳужжатлар тизими яратилди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга, юртимизда тинчлик-осойишталик ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

5. Ижтимоий ҳамкорлик мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари ва ижтимоий қатламлар, турли институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш зарурияти билан изоҳланади. Ижтимоий ҳамкорлик – муроса фалсафаси бўлиб, аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилашга, жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Бинобарин, ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ҳаммининг, биринчи галда, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамиятнинг илғор вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу боис мамлакатимизда ижтимоий шериклик ғарб мамлакатларидагидан фарқли равишда кенг маънода – бутун жамият миқёсида, ҳудудлар, тармоқлар, соҳалар доирасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлиги сифатида тушунилади.

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш борасида ҳамкорликни амалга оширадилар. Фикримизча, ушбу ҳамкорлик йўналишлари «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида мустаҳкамланиши муҳим ҳамда уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари алоҳида янги моддада акс этиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишда қонунга қўшимчалар киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, юқоридаги Қонуннинг 4-моддасига ижтимоий ҳамкорликнинг қуйидаги принципларини киритиш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий шериклик томонлари вакилларининг ваколатлилиги;
- томонлар мажбуриятларининг реаллиги;
- ҳамкорлик предмети танловининг эркинлиги;
- шартномалар бажарилишининг мажбурийлиги;

- ўзаро назорат ва жамоатчилик назоратининг уйғунлиги;
- томонларнинг ўзаро ҳуқуқий масъуллиги.

7. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур ижтимоий ҳамкорлик турини илмий тадқиқ этиш куйидаги йўналиш ва жиҳатлари билан долзарблик касб этади: а) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат бирлашмалари ўзаро муносабатларининг, ҳамкорлигининг конституциявий, ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва аниқ шакллари ўрганиш; б) субъектлар фаолиятининг ушбу жараёндаги самарадорлигини баҳолаш; в) жамоат бирлашмалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги ҳуқуқий механизмларини, унинг процессуал ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш резервларини аниқлаш; г) ушбу муносабатлар тарафларининг ҳамкорлигини мукамаллаштириш йўллари излаш.

8. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш йўналишидаги ижтимоий шериклигини жорий этишда айрим муаммоли ҳолатлар, ҳозирча фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аҳоли ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муайян тадбирлар ўтказилади. Лекин, бундан кўп ҳолларда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари хабарсиз. Ва аксинча, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг иштироки ҳам етарли даражада эмас. Ҳар икки субъект алоҳида-алоҳида фаолият олиб боради. Бири томонидан амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлардан бошқасининг хабари йўқлиги уларнинг натижасига салбий таъсир кўрсатади.

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига оид нормалар мавжуд бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга соладиган айрим қонунларимизда бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид қонунчиликда уларнинг жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид махсус нормалар мавжуд эмас. Шу боис барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ҳақидаги нормаларни киритиш ҳамда ҳамкорлик юзасидан оптимал механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

II. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича:

1. «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ: «Прокуратура органлари ўз вазифаларининг асосий йўналишлари бўйича фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан бир вақтда, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиб, улар билан ҳамкорликда тегишли имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳаракатланадилар».

2. Давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳукумат даражасида муайян муддатга мўлжалланган Комплекс иш режасини ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни молиялаштириш мақсадида ягона моддий таъминот манбасини (жамғармани) яратиш мақсадга мувофиқ.

3. Республикада мавжуд бўлган ОАВларида «Ижтимоий ҳамкорлик мактаби», «Ижтимоий шериклик: назария ва амалиёт» номли рукнларини ташкил этиб, улар орқали мавжуд бўлган муаммоларини мунтазам равишда муҳокама қилиш, тегишли маслаҳатлар ҳамда тавсиялар бериб борилишини йўлга қўйиш лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мунтазам тарзда «очиқ эшиклар» кунларини ташкил этиб, уларда фуқаролик жамияти институтларини, ОАВларини, кенг жамоатчиликни мазкур органлар фаолияти билан яқиндан таништириб боришни йўлга қўйиш лозим.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, маҳаллалар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигига оид ҳуқуқий механизмларни ва тегишли қонунчилик базасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳали бу соҳада фойдаланилмаган талайгина имкониятлар мавжуд.

Фикримизча, фуқаролик жамияти институтларнинг ушбу турига эътиборни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам мазкур шерикликнинг субъектлари қаторига (3-модда) киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай қонунчилик мазмунидаги тадбир нафақат илмий, ҳуқуқий, балки жиддий амалий аҳамият касб этиши мумкин.

5. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлигини тизимли ва самарали ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида «Ижтимоий шериклик»ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи (жамоатчилик) кенгашини тузиш ва бу Кенгашнинг таркибида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини йўлга қўювчи комиссия ҳам бўлишини назарда тутиш ўринли бўларди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш учун яна бир муҳим қадам тарзида, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши шофелигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари раҳбар органлари ўртасида ҳар йили (бир йилга мўлжалланган) ҳамкорлик битимларини имзолаш ва уларни амалга ошириш тажрибасини жорий этиш ўринли бўларди.

6. Давлат ҳокимияти органлари тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш аҳволи ҳақида мавсумий (йиллик ёки ярим йиллик) ахборотлар (маърузалар) тайёрлаш ва уларни чоп этиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳаракатлар, маълум маънода, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясига оид фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни яқиндан хабардор этилишини таъминлаши мумкин.

7. Мамлакат миқёсида ва жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳамкорлигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинар-тренингларни мунтазам ўтказиб бориш яхши самара бериши мумкин.

8. Фуқаролик ишларини судда кўришда фуқаролар йиғини, яраштирув комиссиялари, жамоатчилик вакиллари иштирокини кенгайтириш, шунингдек судда жиноят ишларини кўришда жамоат кафиллиги институтини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

9. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида ижтимоий ҳамкорлик масалаларини мустаҳкамлаш лозим. Шунга кўра, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига қўйидаги нормани киритиш ўринли бўлади: «Прокуратура органлари ўз вазифаларининг асосий йўналишлари бўйича фаолиятини амалга ошириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиб, улар билан ҳамкорликда ҳаракатланадилар». Аналогик нормаларни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақидаги қонун ва қонуности ҳужжатларга киритиш лозимлиги асослантилди.

10. Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришда бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда қиёсий таҳлил этиш асосида самарали тажрибаларни олиш, ижодий имплементация қилиш мумкин. Табиийки, хориж тажрибасига мурожаат этиб, ундан фойдаланишда ўз миллий менталитетимиз, урф-одатларимиз, маданиятимиз ва анъаналаримиз нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш лозим.

11. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг марказий йўналиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасидир. Бунда ҳамкорликнинг тарафлари тенг ҳуқуқли субъектлар сифатида муносабатга киришадилар. Улар биргаликдаги фаолиятни йўлга қўйишга йўналтирилган чора – тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга оширадилар. Улар биргаликдаги комиссиялар, ишчи гуруҳлар тузадилар, давра суҳбатлари, семинарлар, тарғибот тадбирларини амалга оширадилар. Мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида ташкил этилиши таклиф этилаётган Жамоатчилик кенгашлари ижобий самара беради.

Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминловчи жамоатчилик кенгашларини тузиш ва уларнинг самарали ишлаш механизмларини норматив тарзда мустаҳкамлаш лозим.

Бундай Кенгашларга кенг йўл очиш учун, «Жамоатчилик кенгашлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу қонунда юқоридаги икки субъектлар ўртасида ҳамкорлик қилиш бўйича битимлар, келишувлар, меморандумлар тузишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга, бундай ҳамкорликнинг мезонларини, механизмлари ҳамда шаклларини, давлат органларига таъсир кўрсатиш методларини белгилаш мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг «Намунавий моделлари тўғрисида Низомлар»ни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

12. Ижтимоий шериклик субъектлари бўлган ҳар икки тарафдан ҳамкорликни ташкил этишга масъул бўлган мутасаддиларни белгилаш, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик учун масъул этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

13. Ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга давлат органлари, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини амалга оширишнинг ушбу шаклларини назарда тутувчи қуйидаги меъёрларни белгилаш фойдали бўлар эди:

«жамоат бирлашмаларини қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнларига (ишчи гуруҳларга) жалб этиш; жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлат органлари ўртасида ҳамкорлик шартномаларини тузиш; давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарор, Низомлар ишлаб чиқиш фуқаролик жамияти институтларни жалб этиш, тегишли ҳужжатлар лойиҳалари билан таништириш; жамоатчилик экспертизаси ўтказишда жамоат бирлашмалари имкониятларидан фойдаланиш; жамоат бирлашмалари билан маслаҳатлар ўтказиш; Конституция ва қонунлар билан тақиқланмаган бошқа турдаги

биргаликда тадбирлар ўтказиш каби ҳамкорлик шакллари жорий этиш».

14. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида давлат органлари ушбу назорат субъектларига жамоатчилик манфаатларига оид ахборотни тақдим этиши; жамоат назорати субъектлари томонидан юбориладиган таклиф ва тавсияларни ҳамда материалларни кўриб чиқиши шартлиги тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда «Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ихтиёрийлиги», «Жамоатчилик назоратининг оммавийлиги ва очиқлиги (шаффофлиги)» принципларини мустаҳкамлаш фойдали бўлар эди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (часть I; part I)

1. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари// Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана. 2017. №1.– С. 29-32. (12.00.00; № 9).
2. Латипов Б.И. Ҳуқуқ-тартибот органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги: асосий принциплари ва шакллари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана. 2017. №4.– С. 29-33. (12.00.00; № 9).
3. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг принциплари //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. 2018.№2 (34).–Б. 41-44.(12.00.00; № 11).
4. Латипов Б.И. Некоторые вопросы совершенствования сотрудничества правоохранительных органов с институтами гражданского общества, Москва: Право и жизнь. Независимый научно-правовой журнал 232 (10)-233 (11)- 234 (12)Москва, 2017. – С. 42-56.(12.00.00; № 18).
5. Латипов Б.И. Вопросы сотрудничества общественных объединений с правоохранительными органами // Scientific and practical conference social and economic aspects of education in modern society june 18, 2018, Warsaw, Poland. – С. 59-65.
6. Латипов Б.И. Давлат идоралари ва фуқаролик жамияти ижтимоий шериклигининг конституциявий асосларини такомиллаштириш (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мисолида) //«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ривожланиши:миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами.–Тошкент, 2018.–Б. 119-121.
7. Латипов Б.И.Основные направления в области правового воспитание как средство формирования правовой культуры в Узбекистане // Республика илмий-амалий конференция тўплами.–Тошкент: ЎЗМУ, 2012. – Б. 264-266.
8. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг мақсади ва зарурати //

Республика илмий-амалий конференция тўплами. - Тошкент:Тошкент давлат юридик университети, 2018. – Б. 169-179.

9. Латипов Б.И. «Фуқаролик жамияти институтлари» ўқув кўлланмаси. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2019 йил 13 май 11/129/1-сон маълумотномаси).

II бўлим (часть II, part II)

10. Латипов Б.И. Прокуратура ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари.–Тошкент: Ички ишлар вазирлиги академияси, 2014.– Б. 126-131.
11. Латипов Б.И. Прокуратура органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш истиқболлари. – Тошкент: Ички ишлар вазирлиги академияси, 2015. – Б.188-195.
12. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг баъзи жиҳатлари, Тошкент: «Жамият ва ҳуқуқ» ёш олимлар илмий мақолалар тўплами, 2016. 2-сон. –Б.39-43.